



Q A R O R I

« 14 » 01 2019 yil

№ 22

Beshariq shahri

**Бешариқ туманида ижара муносабатларини тартибга солиш ҳамда
2019 йил давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара
ҳақининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат рақобат қўмитаси томонидан 2018 йил 13 декабрда ўрнатилган тартибда келишилган 2019 йилда давлат кўчмас мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат рақобат қўмитаси билан 2018 йил 13 декабрда келишилган ҳамда Давлат рақобат қўмитасининг 2018 йил 13 декабрдаги 2974/04-17-1-сонли хати билан етказилган 2019 йилда давлат кўчмас мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари ижро учун қабул қилинсин.

2. Фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят “Давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси мазкур иловада кўрсатилган энг кам миқдордаги ижара ставкаларидан ижара ҳақининг шартнома қийматини белгилашда таянч ставка сифатида фойдаланиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффицентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил

давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара туловининг ноль ставкаси белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Бешариқ туман ҳокимлиги инвестиция комплекси ва давлат мулкани балансда сақловчилар билан биргаликда Давлат мулкларини хатловдан ўтказиб борсин ҳамда ижарага берилган мулкларни доимий мониторингини юритсин.

Белгилаб қўйилсинки, балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари ўз тасарруфларида бўлган фойдаланилмаётган ҳамда ижарага берилаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни вилоят “Давлат мулкани ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 августдаги “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 672-сонли қарорига асосан туманда фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (майдонларни) ижарага бериш бўйича берилган ҳуқуқлардан амалда фойдаланилишини таъминласин.

6. Туман Молия бўлими (Гулматов) давлат мулки объектларини ижарага бериш ҳисобига маҳаллий бюджетга тушадиган маблағларни назоратга олсин ҳамда тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

7. “Бешариқ тонги” газетаси (Темиров) ва туман ҳокимлигининг етакчи мутахассиси (Отажонов)ларга мазкур қарорни расмий эълон қилиш ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

8. Фарғона вилояти ҳокимининг 2019 йил 10 январдаги №13-сонли қарорга асосан мазкур қарор 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ж.Тухтасинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Жўраев

Бешарик тумани ҳокимининг
2019 йил _____ январдаги
_____ –сонли қарорга
1-илова

**Фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик
учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари**

№	Фаолият турини кодлари	Ижарачиларни фаолият турлари	Бешарик туманида 1 кв.м, учун йиллик ижара ставкаси
		САНОАТ	
1	11200	Ёнилғи саноати	4900
2	13100	Кимё саноати	4900
3	13300	Нефт-кимё саноати	4900
4	14100	Машинасозлик	4900
5	14200	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	4900
6	14300	Ҳисоблаш воситалари саноати	4900
7	14400	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	4000
8	14500	Қурилиш, йул ва коммунал машинасозлик	4000
9	14600	Енгил ва озик-овкат ҳамда маиший асбоблар саноати машинасозлиги	4000
10	14710	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	4900
11	14800	Метал конструкция ва буюмлар саноати	4900
12	14900	Машина ва ускуналар таъмирлаш	4900
13	14780	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	4900
		Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	
14	15100	Ёғоч тайёрлов саноати	4900
15	15200	Ёғочни қайта ишлаш саноати	4900
16	15300	Целлюлоза-қоғоз саноати	4900
17		Мебель ишлаб чиқариш, эшик ва ромлар (ёғоч маҳсулотларидан)	14800
18	16100	Қурилиш материаллари саноати	4900
		Енгил саноат	
19	17100	Тўқимачилик саноати	4900
20	17200	Тикувчилик саноати	4900
21	17300	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	4900

22	17900	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	4900
		Озиқ-овқат саноати	
23	18100	Озиқ-овқат саноати (балиқ гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	4900
24	18200	Гўшт ва сут саноати	4900
25	18300	Балиқчилик саноати	4900
26	19210	Ун ёрма ишлаб чиқариш саноати	4900
27	19220	Комбикорм (аралаш озуқа) саноати	4000
28	19700	Саноатнинг бошқа соҳалари	4900
		Саноатнинг бошқа соҳалари	
29	19300	Тиббиёт саноати	4900
30	19400	Нашриёт саноати	13900
31	19740	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш.	5900
32	19900	Саноат-хўжалик бошқаруви	13900
		Қишлоқ хўжалиги	
33	21100	Ўсимликчилик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га. нисбатан	1975200
34	21200	Чорвачилик ва паррандачилик	2400
35	21300	Балиқчилик (шу жумладан уругчилик) 1 га. нисбатан	1975200
36	21250	Асаларичилик 1 га. нисбатан	1284000
37	22200	Ветеринария хизмати	4900
38	22300	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	4900
39	30000	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1га. нисбатан	1975200
		Транспорт ва алоқа	
40	51111	Умумфойдаланишдаги ер усти темир йул транспорта	4900
41	51121	Автомобил хўжалиги (автосарой, таксисаройи, автобекатлар, гараж)	4900
42	51121	Автомобил хўжалиги (жарима майдони)	1300
43		Автомобилларни ювиш шахобчаси	14000
44		Автомобилларга ёкилиги қуйиш шахобчалари	18000
45	51520	Аҳоли буюртмаси бўйича юкларни ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизмати	9000
46	52100	Почта алоқаси	4900
47	52200	Курьерлик алоқа хизмати	9800
48	52300	Электр-кабел алоқаси	9800
49	52300	Радио, уяли алоқа ва пейджинг алоқа (маҳкамлаш периметри, технологик майдонлар ва иншоотлар билан)	41500
		Қурилиш	
50	60000	Қурилиш	4900
51	66000	Лойиҳа, лойиҳа қидирув ва қидирув ташкилотлари	4900
52		Пластик эшик ва ромлар ишлаб чиқариш	27000

Савдо ва умумий овқатланиш			
53	71100	Улгуржи савдо	13900
54	71130	Товарларни (хизматларни) сотиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи улгуржи бозорлар	35500
55	71200	Чакана савдо	13900
56	71300	Умумий овқатланиш	13900
57		Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш (фаст-фуд)	20000
58	71200	Китоб дўконлари	2000
59	71400	Маданий-маиший ва хужалик буюмларини ижарага бериш	13900
60	71500	Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати	21700
61	80000	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	13900
62	82000	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	13900
63	82100	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	13900
64	83000	Кўчмас мулк билан муомала	13900
65	84300	Реклама, ваколатлик хизмати	13900
66	84500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат фаолияти, молия ва бошқарув муассасалари бўйича маслаҳат хизмати.	13900
67	85000	Геология ва ер, сув ости бойликларини қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизмати	24600
68	87100	Тахририят ва нашриёт	7900
69	87300	Метал чикиндилари ва чикинди хом ашёларини йиғувчи тайёрлов идоралари	7900
70	90100	Уй-жой коммунал хужалиги (ХЎБ объектлари)	7900
71	90220	Мехмонхона хўжалиги	15800
72		Ётоқхона	12000
73	90300	Маиший хизматларнинг ноанъанавий турлари	7900
74	90300	Сарторощона, суръатхона, чевархона ва пойафзал таъмирлаш устахонаси	12000
75	90300	Ломбард	17900
76	90300	Хаммомлар учун	23800
77		Сауналар ва ховузлар учун	47500
		Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	
78	91510	Соғлиқни сақлаш	9800
79	91600	Дам олиш ва саёхлик	9800
80		Фитобар	6800
81	91611	Маданий дам олиш ва кунгил очар тадбирларини ташкил этиш марказлари (бильярдхоналар, автомат ўйинлари, дискотека ва	15800

82	91700	Жисмоний тарбия ва спорт	4900
83	71212	Дорихона	7900
84		Кўзойнак ва тиббий асбоб-ускуналар сотиш дўконлари	14500
85		Ижтимоий-дорихона муассасалари	7400
		Халқ таълими	
86	92100	Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	7900
87	92200	Ишчиларни ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	6500
88	92310	Болалар умум таълим мактаблари (нодавлат ташкилотлари учун)	4000
89		Умум таълим муассасаларида умумий овқатланиш хизматлари	4900
90	92400	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат ташкилотлари учун)	3700
91	93000	Маданият ва санъат	13900
92	93132	Кўрғазмалар	11200
93	93145	Мактабдан ташқари тарбия	4000
94	93160	Истирохат ва маданият парклари	9800
95	93170	Ботаника боғлари ва зоопарклар	9800
96	93180	Телевидения ва радиоэшиттириш тахририятлари	9800
97	93620	Киностудия, овоз ёзиш студиялари	15800
98	95000	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	5900
99		Хайдовчилик мактаблари	7000
		Молия-кредит фаолиятлари	
100	96000	Молия, кредит ва нафақа таъминоти (суғурта ва аудиторлик фаолиятларидан ташқари).	13900
101		Аудиторлик фаолияти	13000
102	96100	Банк фаолияти	13900
		Бошқа фаолият турлари	
103	96200	Суғурта	13900
104	97800	Суд ва ҳуқуқ муассасалари	12000
105	97820	Адвокатлар коллегияси ва ҳуқуқий маслахатхоналари	12000
106	98000	Жамоат бирлашмалари	3900
107	80200	Омборхона учун	13900
108		Давлат корхоналари учун идора	5900
109		Нодавлат муассасалари учун идора	21700
110		Архив хизматлари	5000
111		Енгил ва бошқа турдаги автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан вулканизация)	15800
112		Лаборатория	9800
113		Турли хизматларга пул тўлаш (Paynet)	39600
114		Маданий мерос бўлган бино ва	21700

		иншоотларида савдо фаолияти	
115		Маданий мерос бўлган бино ва иншоотларида умумий овқатланиш хизмати	19000
116		Авиакасса (шу жумладан транспорт ва темир йул ва бошқалар)	21700
117		Банкоматлар	197900
118		Нон ва булочка маҳсулотлари тайёрлаш	13900

Изоҳ:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2009 йилдаги 07/10-41-сонли йигилиш қарорини 11 бандига асосан ҚВП-ларда очилган мулкчилик шаклидан қатъий назар барча дорихона шахобчаларига ижара ҳақининг “нол” тариф ставка қўлланилади.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги № 02/1-74-сонли топширигига асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Савдо бошқармаси тизими бўлимларига қарашли ёпиқ харбий шаҳарча ва узоқ горнизонларда жойлашган давлат кўчмас мулкни ижарага беришда ижара ҳақининг “нол” тариф ставкаси қўлланилади.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07.2014 йилдаги 02/107-2670-сонли топширигига асосан 2014 йил 1 августдан Қорқалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (жумладан: Миробод тумани) бўйича “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати” ЎзЛиДеП Кенгашлари ҳамда “XXI аср” социал- сиёсий газетаси тахририятлари учун Партиялар балансидаги давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг “нол” тариф ставкаси ўрнатилсин.

-Алоҳида ажратилган асфальт ёки бетон қопланган майдонларга антенна-мачта конструкцияси ва алоқа оператори телекоммуникация қурилмаси ўрнатилганда фойдаланиладиган майдон учун ижара ҳақи тўловлари технологик майдоннинг умумий пареметри бўйича, ҳисобланадиган майдонга тутшиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициента қўлланилган ҳолда ҳисобланади. Бунда, қурилиш тури бўйича коэффицент (Кк) Қўлланилмайди.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурининг 7-бандига мувофиқ Соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкдан фойдаланганликлари учун ижара тўловларининг 20 фоизга чегирилган ҳолда ҳисобланади.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳатлар ва нодавлат тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш вазифалари тўғрисида”ги 2017 йил 6 июлда ўтказилган мажлис баёнига асосан мақбуллаштириш натижасида бўшаб қолган айрим қишлоқ врачлик пунктларини жорий таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаб бориш

шарти билан 10 йилдан кам бўлмаган муддатга “нол” қийматда ижарага берилади.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.09.2017 йилдаги 687-сонли “Фарғона вилоятининг Марғилон, Қўқон шаҳарлари ва Риштон туманида хунармандчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Моҳир хунарманд” малака даражаси берилган хунармандларга бўш турган давлат объектлари ўн йил муддатга “нол” қийматда ижарага бериш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 07.03.2018 йилдаги 186-сонли қарорига асосан хунармандчилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкidan фойдаланганликлари учун ижара тўловларининг 50 фоизга чегирилган ҳолда ҳисобланади.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларни тренерларини рағбатлантириш тўғрисида”ги ПҚ-3196-сонли қарорига асосан Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар хусусий спорт муассасаларини ташкил этиш учун спорт йўналишидаги фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан давлат мулкidan фойдаланганликлари учун ижара ҳақининг “нол” ставкаси қўлланилади.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларни ташкил этишга дойр ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 834-сонли қарорига асосан Ўзбекистон ёшлар иттифокига аъзо бўлган ёш тадбиркорларга корхона ташкил топгунга қадар, 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақини “нол” ставкаси бўйича ҳисобланади.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатда демократик янгиланиш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сонли Фармонига асосан Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўш турган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизда “Нодавлат, нотижорат ташкилотлари уйлари”ни ташкил этиш ва мазкур биноларга нодавлат нотижорат ташкилотларини ижара тўловини “ноль” ставкада жойлаштириш.

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрда ўтказилган “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича истиқболдаги муҳим вазифалар тўғрисида”ги йиғилиш баёнининг 31-бандида “Йога марказлари”ни ташкил қилиш учун тадбиркорлик субъектларига имтиёз яратиш мақсадида давлат мулки ҳисобланган биноларнинг 100 кв.метригача бўлган майдонини 3 йилгача бўлган муддатга ижара тўловларисиз фойдаланишга бериш.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 247-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш бўйича 2018-2019 йилларга мулжалланган давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан фаолият кўрсатиш тури уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ногиронлиги бўлган

шахсҳисобланган ҳамда ишчилар сонининг учдан икки қисми ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланувчи якка тартибдаги тадбиркорларга давлат мулки объектларидан фойдаланиш учун ижара тўловини белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгилаш.

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 августдаги №609-20-сонли топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кейинчалик хужалик ҳисобида фаолият юритилиши белгиланган давлат унитар корхоналарига шунингдек, бошқа бўлинмаларига Мудофаа вазирлигининг бино-иншоотлари, асбоб ускуналари, мебеллар ҳамда бошқа мол-мулклари ижара шартномалари доирасида бепул "ноль" ставкага ижарага берилади.

Давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар

№	Ижара объектларининг жойлашган ўрни ва турлари бўйича	Қўлланиладиган коэффициентлар
		Туманлар ҳудуди бўйича
1	Ижара объектнинг ҳудудий зоналари бўйича коэффициент (Кз)	1,3
2	Ижара объектнинг қурилиш тури бўйича коэффициент (Кк)	-
	Жумладан:	
	-алохида турадиган бинолар учун	1,3
	-қўшимча қурилган бинолар учун	1,2
	-бинонинг том қисми учун	0,4
	-чердак қисми учун	0,3
	-болахона қисми учун	0,3
	-ярим ертула қисми учун	0,2
	-ертула қисми учун	0,2
3	Туташ ҳудуддан фойдаланиш коэффициента (Кх)	0,7
4	Ижара объектдан тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициента (Кo) (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларида чиқишда жойлашиш ва бошқалар).	1,3
	Уяли алоқа компанияларининг биноларнинг том қисмидаги қурилмалар учун	0,4

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = Эс * K_z * (K_k + K_x + K_o)$$

Бунда:

Tc-бир йилга бир кв.м. учун ижара тўловининг таянч ставкаси:

Эс-бир йилга бир кв.м, учун энг кам ижара ставкаси.